O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA’LIM VAZIRLIGI HUZURIDAGI “MA’NAVIYAT VA MA’RIFAT” MARKAZI

100095, Toshkent shahar, Talabalar shaharchasi, Talabalar ko’chasi, 70
Telefon: (998-71) 246-95-43 Faks: (998-71) 246-64-75
e-mail: mm.markaz@umail.uz

“SPIRITUALITY AND EDUCATIONAL” CENTRE UNDER THE HIGH AND SECONDARY MINISTRY OF EDUCATION THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

100095,Tashkent city,Talabalar city,Street Talabalar,70
Phone:(998-71) 246-95-43 Fax: (998-71) 246-64-75
e-mail: mm.markaz@umail.uz

_____ №_____

Олий таълим муассасалари ректорлари ва филиаллар директорларига

Олий таълим муассасаларида ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотлари Намунавий режасига мувофиқ, 2018/2019-ўқув йилининг йигирма биринчи ҳафтасида ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотлари материаллари иловага мувофиқ юборилмоқда.

Шу муносабат билан, Сиздан мазкур ҳафта давомида ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотларини **“Маънавий баркамол ёшлар – юрт келажаги”** мавзусида юқори савияда ўтказилишини таъминлашингиз сўралади.

(Машғулотлар вазирликнинг 2018 йил 13 сентябрдаги 87-02-2527-сонли хати орқали тақдим этилган “Ахборот ва мураббийлик соати сабоқлари” номли услубий қўлланмага мувофиқ равишда ташкиллаштирилиши лозим).

Илова: 11 бет.

Ҳурмат билан,

“Маънавият ва маърифат” маркази директори **О.А.Худайназаров**

Ижрочи: И.Чориев, markaz.mtg@edu.uz
Тел.: 246-95-43

Марказнинг 2019 йил “____” январдаги
_____-сонли хатига илова

“Маънавий баркамол ёшлар – юрт келажаги” ҳафталиги “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотларининг 1-босқичи материаллари.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР

ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ, МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТИЗИМИНИ ВА КАПИТАЛ БОЗОРИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони
http://www.uza.uz/oz/documents/davlat-aktivlarini-bosh-arish-monopoliyaga-arshi-kurashiashni-15-01-2019

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори
http://www.uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-davlat-aktivlarini-abosh-arish-agentli-15-01-2019

ЁҒ-МОЙ ТАРМОҒИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ВА СОҲАНИ БОШҚАРИШДА БОЗОР МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори
http://www.uza.uz/oz/documents/ye-moy-tarmo-ini-yanada-rivozhlantirish-b-yicha-shimcha-chor-16-01-2019

“АНДИЖОН-ФАРМ” ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони
http://www.uza.uz/oz/documents/andizhon-farm-erkin-i-tisodiy-zonasini-tashkil-etish-t-risid-16-01-2019

***Эслатма:** *Мазкур ҳафтада ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотларининг 2-босқичи – Маънавий баркамол инсон – комил инсон тушунчаси билан ҳамоҳанг эканлиги тўғрисида талаба-ёшларга тушунтирилади.*

Ҳафталикнинг 3-босқичида талаба-ёшларга илмлилик фазилати ҳақида тушунча берилади, 4-босқичда – талабаларнинг қайси босқичдалигига қараб ойнинг бошида берилган китобларнинг бири ҳақида фикр-мулоҳаза юритилади.

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори
http://www.uza.uz/oz/documents/talim-sifatini-nazorat-ilish-tizimini-takomillashtirish-b-yi-16-01-2019

2017-2021 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БЕШТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИ “ФАОЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ РИВОЖЛАНИШ ЙИЛИ”ДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони
http://www.uza.uz/oz/documents/2017-2021-yillarda-zbekiston-respublikasini-rivozhlantirishn-18-01-2019

АҲОЛИ МУАММОЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони
http://www.uza.uz/oz/documents/a-oli-muammolari-bilan-ishlash-so-asida-yangi-tizimga-tilmo--18-01-2019

СУД-ЭКСПЕРТЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори
http://www.uza.uz/oz/documents/sud-ekspertlik-faoaliyatini-yanada-takomillashtirish-chora-ta-18-01-2019

“ҲИНДИСТОН – МАРКАЗИЙ ОСИЁ” МУЛОҚОТИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИНИНГ АФҒОНИСТОН ИШТИРОКИДАГИ БИРИНЧИ УЧРАШУВИ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА ҚЎШМА БАЁНОТ

“Ҳиндистон – Марказий Осиё” мулоқотининг вазирлар даражасидаги Афғонистон иштирокидаги биринчи учрашуви 2019 йил 13 январь куни Ўзбекистон Республикаси Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтди. Учрашувда Афғонистон Ислом Республикаси, Тожикистон Республикаси, Туркманистон, Қирғизистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси, Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар вазирлари иштирок этди.

Томонлар Ҳиндистон ва Марказий Осиё ўртасида маданий, савдо ва гуманитар алоқалар азалдан мавжудлигини қайд этиб, Ҳиндистон ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги изчил, самарали ва дўстона муносабатларни ўзаро манфаатли ҳамкорликни икки ва кўп томонлама шаклларда мустаҳкамлаш борасидаги интилишлари қатъий эканини таъкидладилар.

Томонлар хавфсизлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш мақсадида ҳамкорлик, ўзаро қўллаб-қувватлаш, долзарб масалаларни биргаликда ҳал қилишга бўлган интилишларини тасдиқладилар. Шу маънода, учрашув иштирокчилари 2018 йил 15 март куни Остона шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг биринчи ишчи (маслаҳат) учрашуви муваффақиятли ўтказилганини қутладилар.

Томонлар барча шакл ва кўринишдаги терроризмни қоралаб, бутун дунё халқлари ва иқтисодиётга таҳдид солаётган терроризмга қарши курашишда ҳамкорликка келишиб олдилар.

Вазирлар Марказий Осиё мамлакатларининг иқтисодий ўсишига доир муаммо ва вазифаларни ўзаро келишилган ҳолда ҳал этишни таъминлайдиган лойиҳаларни тенг ҳуқуқлилик, ўзаро фойда ва манфаатларни ҳурмат қилиш тамойиллари асосида ишлаб чиқиш ва амалга ошириш муҳим эканини алоҳида таъкидладилар.

Томонлар иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш учун реал имкониятлар яратиш, ўзаро эркин савдо учун қулай шароитларни таъминлаш мақсадида ҳамкорликни мустаҳкамлашга интилишини билдирдилар.

Ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари ўзаро савдо ҳажмини оширишга кўмаклашиш, саноат, энергетика, ахборот технологиялари, фармацевтика ва қишлоқ хўжалиги, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳаларига инвестициялар, инновация ва технологиялар жалб этишдаги ҳамкорликнинг истиқболли имкониятлари ва йўналишларини муҳокама қилдилар.

Томонлар ишбилармон доиралар ва бизнес ташкилотлари ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқаларни ривожлантиришга, компания ва корхоналар кооперациясининг янги шаклларига ўтишга кўмаклашишга тайёр эканлигини тасдиқладилар. Кичик ва ўрта бизнес, стартаплар, венчур бизнеси даражасида ҳамкорликни илгари суриш зарурлигини таъкидладилар. Тармоқ бизнес форумлари ва бошқа ўзаро бизнес тадбирларини доимий асосда ўтказиш муҳимлигини қайд этдилар.

Ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари минтақанинг инвестиция муҳити ва инвестицион жозибадорлигини, Марказий Осиё мамлакатларининг халқаро макондаги ишбилармонлик имкониятларини яхшилаш бўйича ўзаро мувофиқлашган саъй-ҳаракатларни амалга ошириш муҳимлигини таъкидладилар. Вазирлар Ҳиндистон ва Марказий Осиё мамлакатлари ҳудудлари ва шаҳарлари ўртасида тўғридан-тўғри ўзаро манфаатли иқтисодий ва маданий алоқаларни йўлга қўйиш ва кенгайтириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратиб, бу йўналишда кўмаклашишга тайёр эканликларини билдирдилар.

Вазирлар Марказий Осиё мамлакатларининг транзит ва транспорт-коммуникация салоҳиятини ривожлантириш, минтақанинг транспорт-логистика тизимини такомиллаштириш борасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, минтақавий ва халқаро транспорт йўлакларини яратиш бўйича қўшма ташаббусларни илгари суришдан манфаатдор эканликларини таъкидладилар. Хусусан, иштирокчилар Халқаро транспорт ва транзит йўлагини яратиш бўйича Ашхобод Битимига Ҳиндистоннинг қўшилганини ижобий баҳоладилар.

Ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари Марказий Осиё мамлакатлари ва Ҳиндистон ўртасидаги савдо муносабатларини ривожлантириш зарурлигини қайд этиб, ҳамкорликнинг кўп томонлама механизмларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ эканини таъкидладилар.

Вазирлар Марказий Осиё мамлакатлари ва Ҳиндистон ўзаро сайёҳлар оқимини кенгайтириш учун қулай шароитлар яратиш, туризм инфратузилмасини ривожлантиришда интилиши қатъий эканини таъкидладилар. Томонлар Марказий Осиё мамлакатларида минтақавий туризм йўналишлари ва турли саёҳатларни ташкил этиш муҳимлигини қайд этдилар.

Томонлар маданият, илм-фан, таълим ва спорт соҳаларида, жумладан, БМТ Бош Ассамблеясининг A/RES/73/128 "Маърифат ва диний бағрикенглик" резолюциясини амалга ошириш доирасида ёшларга оид қўшма лойиҳалари ҳаётга татбиқ этилишига алоҳида эътибор қаратдилар.

Вазирлар қўшма лойиҳаларни рўёбга чиқариш орқали маданият, фан, таълим, тиббиёт, ахборот соҳаларида икки ва кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашдан, шунингдек, "халқ" дипломатияси доирасида маданий-гуманитар алмашувларни қўллаб-қувватлаш, эксперт-таҳлил ва жамоатчилик доиралари, ОАВ ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканликларини билдирдилар. Томонлар умумий маданий мерос ва тарихий ёдгорликларни асраш ва ўрганиш масалаларидаги ҳамкорликка устувор аҳамият қаратдилар.

Ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари кўп томонлама форумлар ва ташкилотлар доирасида ҳамкорликни давом эттириш, жумладан, позицияларни келишиш, ахборот алмашиш, номзодларни ўзаро қўллаб-қувватлашга тайёр эканликларини тасдиқладилар.

Вазирлар минтақавий ҳамкорлик, товарлар ва энергия ресурслари транзитининг муҳим бўғини бўлган Афғонистоннинг "Ҳиндистон –Марказий Осиё" мулоқотининг биринчи учрашувидаги иштирокини маъқуллаб, Марказий Осиё мамлакатлари ва Ҳиндистоннинг Афғонистонда тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, ушбу мамлакатда бевосита афғон халқи раҳбарлигида ва саъй-ҳаракатлари билан тинчлик жараёнини ўрнатишга кўмаклашишда, шунингдек, қўшма инфратузилмавий, транзит-транспорт, энергетика ва бошқа лойиҳаларни амалга ошириш, жумладан, минтақавий ҳамкорлик ва инвестиция лойиҳалари орқали Афғонистоннинг иқтисодий тикланишини қўллаб-қувватлашга тайёр ва бу борада интилишлари қатъий эканини таъкидладилар.

Ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари афғонистонлик хотин-қизларни мамлакат ижтимоий ҳаётига жалб этиш орқали Афғонистонда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш муҳимлигини таъкидладилар ҳамда Марказий Осиё мамлакатларида ушбу масалаларга доир конференция ва форумлар муваффақиятли ўтказилишини маъқулладилар.

Вазирлар 2017 йил ноябрь ойида Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган Афғонистон бўйича еттинчи минтақавий иқтисодий ҳамкорлик конференцияси (RECCA VII) натижаларини қайд этиб, Афғонистон бўйича саккизинчи минтақавий иқтисодий ҳамкорлик конференциясини (RECCA

VIII) 2019 йилнинг иккинчи ярмида Тошкент шаҳрида ўтказишга ҳозирлик доирасида ҳамкорлик қилишга тайёр эканини тасдиқладилар.

Иштирокчилар Афғонистон билан биргаликда маданий тадбирлар, таълим ва илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга оширишда қўшма ташаббуслар учун улкан салоҳият мавжудлигига эътибор қаратиб, Афғонистон томонининг халқаро ёшлар форуми, фестивали, танловлар, илмий конференциялар, кўргазма ва бошқа қўшма тадбирларда иштирок этишига ёрдам беришга тайёр эканини билдирдилар.

Томонлар учрашувнинг Самарқанд шаҳрида муваффақиятли ўтказилганини мамнуният билан қайд этдилар ҳамда уни ташкил этган Ўзбекистон Республикасига чуқур миннатдорлик билдирдилар.

Иштирокчилар ташқи ишлар вазирлари даражасидаги "Ҳиндистон – Марказий Осиё" мулоқотини Афғонистон иштирокида ўтказишни мунтазам давом эттиришга ҳамда ушбу форматда 2020 йилда Нью-Дели шаҳрида учрашишга келишиб олдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ЭЛЧИСИ ИСПАНИЯ ҚИРОЛИГА ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИНИ ТОПШИРДИ

Ўзбекистон элчиси Испания Қиролига ишонч ёрлиқларини топширди

Бу ҳақдаги хабар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги сайтида чоп этилди.

Унда келтирилишича, 16 январь куни Мадрид шаҳрида мамлакатимизнинг Испаниядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Жаҳонгир Ғаниевнинг Испания Қироли Филипп VI га ишонч ёрлиқларини топшириш расмий маросими бўлиб ўтган.

Тантанали маросимдан сўнг бўлиб ўтган суҳбатда Ўзбекистон – Испания муносабатларининг долзарб масалалари муҳокама қилинган. Қирол юқори даражадаги ўзаро ишонч, икки томонлама ҳамда кун тартибида кўриб чиқилган муҳим масалалар бўйича қарашларнинг ўхшаш ва яқинлигига юксак баҳо берган.

Шунингдек, Испания Қироли Филипп VI Қозоғистоннинг Остона шаҳрида ўтказилган “EXPO-2017” халқаро кўргазмаси доирасида мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев билан бўлиб ўтган учрашувни алоҳида қайд этиб, унда мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилганини таъкидлаган.

Мулоқот якунида Испания Қироли мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевга ўзининг юксак ҳурмат-эҳтиромини изҳор этиб, самимий тилакларини йўллади, дейилади хабарда.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ “ЖЎШҚИН ГУЖАРАТ” ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Ҳиндистоннинг Гандинагар шаҳри “Маҳатма Мандир” кўргазмалар мажмуасида «Жўшқин Гужарат – 2019» IX халқаро инвестиция саммити бўлиб ўтди.

Саммитда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, шунингдек, Австралия, Канада, Франция, Япония, Норвегия, Нидерландия,

Польша, Корея Республикаси, Дания, Чехия, Мальта, Таиланд, БАА каби мамлакатлардан давлат ва ҳукумат раҳбарлари, халқаро ташкилотлар ва трансмиллий корпорациялар бошлиқлари, экспертлар иштирок этди.

Йирик иқтисодий анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Гужарат штати қадимдан савдо ва тадбиркорликда етакчи ҳудуд бўлиб келгани, мазкур саммит ана шу анъаналарни давом эттириб, замонавий Ҳиндистоннинг бизнес руҳини намоён қилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Ҳиндистон билан узоқ муддатли стратегик шерикликни мустаҳкамлаш – Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини алоҳида қайд этиб, икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш учун қатор таклиф ва ташаббусларни илгари сурди.

–Эрамиздан аввалги III-II асрларда ҳинд заминини Марказий Осиё билан Буюк Ҳиндистон йўли боғлагани яхши маълум. Бугун ҳам Марказий ва Жанубий Осиё бозорлари ўртасидаги ишончли савдо ва транспорт коммуникацияларини яратиш ҳар қачонгидан долзарбдир.

Биз Трансафғон темир йўли лойиҳасини муҳокама қиляпмиз. Истиқболда бу йўл Жанубий Осиёга, жумладан, Чохбаҳор порти орқали Ҳиндистонга чиқиш имконини беради, – деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари ахборот технологиялари, дастурий таъминот, қишлоқ хўжалиги, қайта тикланадиган энергия ҳамда ушбу соҳалар мутахассисларини тайёрлаш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишни таклиф этди. Бу бўйича дастлабки ҳаракатлар бошланган, Тошкент шаҳрида қўшма технопарк ташкил этилади.

Сармоядорларни Ўзбекистонга жалб қилиш учун энг қулай шароитлар яратилиши алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистон, аввало, кимё саноати ва энергетика, фармацевтика, тўқимачилик, чарм-пойабзал, туризм соҳаларидаги истиқболли лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдор.

– Гужаратнинг улкан иқтисодий салоҳияти ва Андижон вилояти билан шериклик алоқаларидан келиб чиқиб, шоҳ Бобур туғилган ва улуғ Акбаршоҳ аждодларининг ватани бўлмиш Андижонда Ўзбекистон –Ҳиндистон минтақалари бизнес-форумини шу йили ўтказишни таклиф қиламиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари 2020 йилда Ҳиндистонда “Ўзбекистон маданияти йили”ни ҳамда Ўзбекистонда “Ҳиндистон маданияти йили”ни ўтказиш, жорий йилда юртимизда ўзбек-ҳинд Ёшлар фестивалини ташкил қилишни таклиф этди.

Президентимиз сўзининг якунида юртимизнинг саноат, инвестицион ва сайёҳлик салоҳияти, бой тарихи ва маданияти ҳақида танишиш имконини берувчи саммит доирасида ташкил этилган Ўзбекистон кўргазмасига барчани таклиф қилди.

“Жўшқин Гужарат” саммитида сўзга чиққанлар ҳамкор мамлакатлар ўртасида ўзаро тажриба, технология алмашиш, янги ҳамкорлар ва инвестицияларни жалб этиш йўлларини топиш бўйича ўз нуқтаи назарларини баён этди.

ЎЗБЕКИСТОН – ҲИНДИСТОН: КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модининг таклифига биноан 17-18 январь кунлари ушбу мамлакатда амалий ташриф билан бўлиб, “Жўшқин Гужарат – 2019” IX халқаро инвестиция саммитида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари 18 январь куни Гандинагар шаҳрида “Жўшқин Гужарат – 2019” халқаро саммити доирасида Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди билан учрашди.

Бош вазир Президентимизни Ҳиндистонга яна бир бор ташрифи билан самимий қутлар экан, нуфузли Ўзбекистон делегациясининг саммит ишидаги иштироки учун чуқур миннатдорлик изҳор қилди.

Ўзбекистон Президентининг Ҳиндистонга ташрифи олий даражадаги мулоқотнинг мантиқий давоми, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасида тобора мустаҳкамланиб бораётган дўстлик ва шериклик муносабатларининг яна бир ёрқин далилидир.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган йили октябрь ойида Ҳиндистонга давлат ташрифи якунлари бўйича эришилган келишувлар ва имзоланган битимларнинг амалий ижроси билан боғлиқ масалалар, шунингдек, икки томонлама кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Ташрифдан сўнг ўтган қисқа вақт давомида барча йўналишдаги ўзаро алоқалар фаоллашгани қайд этилди.

Ўтган ҳафта Самарқанд шаҳрида “Ҳиндистон – Марказий Осиё” мулоқоти ташқи ишлар вазирларининг Афғонистон иштирокидаги биринчи учрашуви бўлиб ўтди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳасида Тошкентда қўшма Тадбиркорликни ривожлантириш маркази ўз фаолиятини бошлади. Мамлакатимизда Ҳиндистон саноат конфедерацияси ваколатхонаси очилиши кўзда тутилмоқда.

Саммит арафасида Гужаратда Ўзбекистон – Ҳиндистон ишбилармонлар кенгашининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Ҳиндистонлик ҳамкорлар билан Тошкент шаҳрида илғор ахборот технологиялари технопарки, Андижон вилоятида фармацевтика зонаси ташкил этилмоқда.

Ҳиндистон Эксимбанки билан Ўзбекистонда ижтимоий муҳим лойиҳаларни молиялаштириш учун қиймати 200 миллион долларга тенг кредит линияси ажратиш бўйича келишувга эришилди.

Янги ўқув йилидан бошлаб мамлакатимизда Ҳиндистоннинг етакчи олий ўқув юртлари – Амити ва Шарда университетлари ўз ишини бошлайди.

Давлат раҳбарлари ахборот-коммуникация технологиялари, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, заргарлик саноати, қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик инфратузилмасини модернизация қилиш ва бошқа йўналишлардаги устувор лойиҳалар ва ҳамкорлик дастурларининг амалий ижросини жадаллаштириш зарурлигини қайд этди.

Маданий-гуманитар алмашувни янада кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб масалалари бўйича фикр алмашилди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Моди икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни фаол ривожлантириш йўлида қатъий эканликларини таъкидладилар.

Учрашув сўнггида Ҳиндистонга уран етказиб бериш бўйича имзоланган узоқ муддатли келишувни ўзаро алмашиш маросими бўлиб ўтди.

Гандинагар шаҳридаги “Маҳатма Мандир” кўргазмалар мажмуасида “Жўшқин Гужарат – 2019” IX халқаро инвестиция саммити бўлиб ўтди.

Саммитда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, шунингдек, Австралия, Канада, Франция, Япония, Норвегия, Нидерландия, Польша, Корея Республикаси, Дания, Чехия, Мальта, Таиланд, БАА каби мамлакатлардан давлат ва ҳукумат раҳбарлари, халқаро ташкилотлар ва трансмиллий корпорациялар бошлиқлари, экспертлар иштирок этди.

Йирик иқтисодий анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Гужарат штати қадимдан савдо ва тадбиркорликда етакчи ҳудуд бўлиб келгани, мазкур саммит ана шу анъаналарни давом эттириб, замонавий Ҳиндистоннинг бизнес руҳини намоён қилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Ҳиндистон билан узоқ муддатли стратегик шерикликни мустаҳкамлаш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини алоҳида қайд этиб, икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш учун қатор таклиф ва ташаббусларни илгари сурди.

– Эрамиздан аввалги III-II асрларда ҳинд заминини Марказий Осиё билан Буюк Ҳиндистон йўли боғлагани яхши маълум. Бугун ҳам Марказий ва Жанубий Осиё бозорлари ўртасидаги ишончли савдо ва транспорт коммуникацияларини яратиш ҳар қачонгидан долзарбдир. Биз Трансафғон темир йўли лойиҳасини муҳокама қиляпмиз. Истиқболда бу йўл Жанубий Осиёга, жумладан, Чохбаҳор порти орқали Ҳиндистонга чиқиш имконини беради, – деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари ахборот технологиялари, дастурий таъминот, қишлоқ хўжалиги, қайта тикланадиган энергия ҳамда ушбу соҳалар учун мутахассислар тайёрлаш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишни таклиф этди. Бу бўйича дастлабки ҳаракатлар бошланган.

Сармоядорларни Ўзбекистонга жалб қилиш учун энг қулай шароитлар яратилиши алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон, аввало, кимё саноати ва энергетика, фармацевтика, тўқимачилик, чарм-пойабзал, туризм соҳаларидаги истиқболли лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдор.

– Гужаратнинг улкан иқтисодий салоҳияти ва Андижон вилояти билан шериклик алоқаларидан келиб чиқиб, шоҳ Бобур туғилган ва улуғ Акбаршоҳ аждодларининг ватани бўлмиш Андижонда Ўзбекистон – Ҳиндистон минтақалари бизнес-форумини шу йили ўтказишни таклиф қиламиз, – деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари 2020 йилда Ҳиндистонда “Ўзбекистон маданияти йили”ни ҳамда Ўзбекистонда “Ҳиндистон маданияти йили”ни ўтказиш, жорий йилда юртимизда Ўзбекистон – Ҳиндистон Ёшлар фестивалини ташкил қилиш таклифини илгари сурди.

Президентимиз сўзининг якунида юртимизнинг саноат, инвестиция ва сайёҳлик салоҳияти, бой тарихи ва маданияти ҳақида танишиш имконини берувчи саммит доирасида ташкил этилган Ўзбекистон кўргазмасига барчани таклиф қилди.

“Жўшқин Гужарат – 2019” саммитида сўзга чиққанлар ҳамкор мамлакатлар ўртасида ўзаро тажриба ва технология алмашиш, янги шериклар ва инвестициялар жалб этиш йўлларини топиш бўйича ўз нуқтаи назарларини баён этди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ҳиндистон Республикасига амалий ташрифи якунига етди.

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТДА ЖАҲОН БАНКИНИНГ ЛОЙИҲАСИ ИШ БОШЛАДИ

Амалий инновациялар фондининг “Олий таълим тизимини модернизация қилиш” дастури доирасида олий таълим муассасасида Жаҳон банкининг янги лойиҳаси ўз фаолиятини бошлади.

Академик инновациялар фондининг “Олий таълим тизимини модернизация қилиш” дастури доирасида Гулистон давлат университетида “Олий таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантиришда кластерли ёндашув: Гулистон давлат университети ва ишлаб чиқариш интеграцияси тизимида “ўқув-илмий комплекс” ташкил этиш” мавзусида Жаҳон банкининг лойиҳаси ўз фаолиятини бошлади.

Лойиҳа 173 минг АҚШ доллари қийматига тенг бўлиб, у 24 ойга мўлжалланган. Бу “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да белгиланган вазифалар асосида университетга жалб қилинган инвестициядир.

Лойиҳадан кўзланган асосий мақсад олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида кластерли тизимга асосланган интеграция – инновацион ўқув-илмий комплекс тизимини ташкил этиш ва унинг механизмини яратишдан иборат.

“ЙИЛ ТАЛАБАСИ” ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда вазирлик ҳузуридаги Маънавият ва маърифат маркази томонидан илк маротаба ташкил этилган “Йил талабаси” танлови ғолиблари аниқланди.

Ўзбекистон давлат консерваториясида “Йил талабаси” республика танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда вазирлик ҳузуридаги Маънавият ва маърифат маркази томонидан ташкил этилган ушбу танловнинг ўтказилишидан асосий мақсад жамиятга ва давлатимизга етук,ёш рақобатбардош кадрларни тайёрлаш, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, талабаларда ташаббускорлик, ватанпарварлик ва жамоатчилик

фаолиятини қарор топтириш, шунингдек, талабалик нуфузини оширишдан иборат.

Танловнинг биринчи босқичида ҳар бир олий таълим муассасасидан 5 та номинация бўйича иштирокчилар танлаб олиниб, жами 316 нафар ёшларнинг йиғма жилдлари қабул қилинган ва ҳайъат комиссиясига тақдим этилган эди.

Иккинчи босқичда эса 71 нафар иштирокчи танлаб олинди. Учинчи босқич ҳам қизғин баҳс мунозараларга бой кечди ва жами 17 нафар талаба 5 та номинация бўйича муносиб ўринларни эгаллади. Талаба-ёшлар фанларни ўзлаштириш натижалари, жамоатчилик ишлари, эришган ютуқлари, илмий ва ижодий ишлари, дарслардаги иштироки ва фаоллик даражасига кўра баҳоланди.

Танловнинг якуний босқичида қуйидагилар “Йил талабаси” деган шарафли номга сазовор бўлди.

“Йилнинг ўз мутахассислиги бўйича энг билимдон талабаси” номинацияси бўйича:

1-ўрин - Сардор Бозорбоев, Ўзбекистон миллий университети талабаси;

2-ўрин - Ирода Исмоилова, Урганч давлат университети талабаси;

3-ўрин - Шохрухбек Аҳтамов, Тошкент ахборот технологиялар университети талабаси.

“Йилнинг энг ташаббускор талабаси” номинацияси бўйича:

1-ўрин- Сардор Бердиев, Тошкент ахборот технологиялар университети Қарши филиали талабаси;

2-ўрин - Ботирали Рахмонов, Фарғона давлат университети талабаси;

3-ўрин - Камолиддин Умаров, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият университети талабаси.

“Йилнинг ихтирочи талабаси” номинацияси бўйича

1-ўрин - Умид Равшанов, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Бухоро филиали талабаси

2-ўрин - Сардоржон Салойдинов, Наманган муҳандислик қурилиш институти талабаси

3-ўрин - Диёра Охунова, Тошкент тиббиёт академияси талабаси.

“Йилнинг спортчи талабаси” номинацияси бўйича:

1-ўрин - Бектемир Меликўзиев, Қўқон давлат педагогика институти талабаси;

2-ўрин - Шохсанамхон Тошпўлатова, Қарши давлат университети;

3-ўрин - Иқболжон Холдаров, Андижон давлат университети талабаси.

“Йилнинг ижодкор талабаси” номинацияси бўйича:

1-ўрин - Санжарбек Азимов, Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси;

2-ўрин - Шохсанам Бойчибоева, Миллий рассомчилик ва дизайн институти талабаси;

3-ўрин - Ҳулкар Худойбердиева, Самарқанд давлат университети талабаси.

Шунингдек, танлов якунларига кўра “Йилнинг энг фаол тарғиботчи талабаси” номинацияси бўйича Тошкент давлат аграр университети талабаси Моҳинур Жўраева ҳамда “Йилнинг энг фаол нотиқ талабаси” номинациясида

Тошкент давлат аграр университети Андижон филиали талабаси Гавҳарой Усмонхўжаевалар совринли ўринларни қўлга киритдилар.

Танлов низомига мувофиқ равишда ҳар бир номинация бўйича 1-ўрин соҳиблари танлов статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдорида,2-ўрин соҳиблари энг кам иш ҳақининг 8 баробари миқдорида, 3-ўрин соҳиблари энг кам иш ҳақининг беш баробари миқдорида пул мукофоти ва диплом билан тақдирландилар.

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ФРАНЦИЯНИНГ НУФУЗЛИ СЕРЖИ-ПОНТУАЗ УНИВЕРСИТЕТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ШАРТНОМАСИНИ ИМЗОЛАДИ

Шартномага кўра илмий-тадқиқот, ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳаларида яқиндан ҳамкорлик қилинади.

Жорий йилнинг 12 январ куни институтга Франциянинг Сержи-Понтуаз университети ҳамда Версал Академиясининг таълим ва педагогика Олий мактаби вакилларидан иборат расмий делегация ташриф буюрди.

Ташриф давомида Самарқанд давлат чет тиллар институти билан Франциянинг Сержи-Понтуаз университети ҳамда Версал Академиясининг таълим ва педагогика Олий мактаби ўртасида уч томонлама Ҳамкорлик Шартномаси имзоланди.

Имзоланган Шартномага асосан Сержи-Понтуаз Университети ва Самарқанд давлат чет тиллар институти таълим, илмий-тадқиқот, ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳаларида яқиндан ҳамкорлик қилишади.

Шартномада келишилган 2 йил мобайнида: ҳамкорликда ўқув-услубий ҳамда методик тавсиялар ишлаб чиқиш, бадиий адабиётларни таржима қилиш, илмий тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш, бошланғич ва ўрта таълимда фаолият юритувчи француз тили ўқитувчиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, олий таълимда фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилардан 8 нафари ҳамда кутубхоначилар, раҳбар-ходимлардан 4 нафари, талаба ва магистрантлардан 16 нафари, докторантлардан 4 нафар Францияда малака ошириш курсида иштирок этиши режалаштирилди.

Франциялик мутахассислар икки кунлик ташрифи давомида институт фаолияти, ўқув жараёни билан яқиндан танишишди, талабалар ва профессор-ўқитувчилар билан давра суҳбати ташкил этилди ва улар иштирокида “Француз тили ўқитиш методикаси”, “Француз адабиётини ўқитиш методикаси” каби мавзуларда семинар-тренинглар ташкил этилди.